**МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУС**
Шиддат билан ўзгараётган давр ходимлардан ўз мутахассислиги бўйича кучли билим ва маҳоратга эга бўлишни, малакасини кун сайин ошириб боришни тақозо этаётир.
4 бет

**ТАРТИБ — ИНТИЗОМ ИЖРОСИ**
Ёшлар таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланишда фуқаролар йиғинларида йўлга қўйилган миллий тизим, яъни "Оила — маҳалла — мактаб" ҳамкорлиги мутасаддиларга қўл келмоқда.
6 бет

**АҚЛУ ИДРОК ВА ТАФАККУР УСТУН КЕЛСА**
"Кийинмасдан юраверса ҳам бўлаверади", деган мазмундаги тарғиботни юритаётганлар инсоният бошида айланаётган глобал хавф эканлигини чуқурроқ англаб етамиз.
8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ
Mahalla
6 (712)
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри
2010 йил 11 февраль. Пайшанба
ISSN 2010-7013

# ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10 февраль куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА)**

# ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

Сеул. 10 февраль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрига етиб келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 11 февралга белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон-Корея муносабатларига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА)**

# ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ ВА МУСТАҲКАМ ИРОДА

**СОҲИБИ бўлган ёшлар айнан маҳаллада улғаяди, қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида камол топади**



Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ барча синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилмоқда.

Бугун қайси бир ёшдан сўраманг, мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишни, бу халқи, ота-онаси, юрти олдидаги ҳақиқий йигитлик бурчи эканини фахр ва ғурур билан эътироф этади. Уларнинг кўзидаги шижоатни, қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғусини кўриб қувонасиз. Чиндан ҳам ўз меҳнати, ақл-заковати билан эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб етишиш иштиёқидаги йигитларимиз учун армиямиз ўзига хос матонат ва синов мактабига айланган.

Истиқлол йилларида ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ёшлар ҳарбий хизмат давомида жисмонан чиниқиши, маънавий-маърифий билимларини мунтазам ошириб бориши мумкин. Бу борада ҳукуматимиз ва Президентимизнинг ҳарбий хизматчилар учун барча шароит, имтиёз ва имкониятларни яратиб беришга доир қарор ҳамда фармонларининг аҳамияти беқиёс. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳарбий хизматчиларга бир қанча қулайликлар яратиб берди.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]

МУНОСАБАТ

# АНИҚ МАҚСАД САРИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН

**ТАРИХАН** минг йиллар давомида таркиб топган маҳалла яхши қўшничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда, ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнаб келган. Халқона ибора билан айтсак, маҳаллада инсонлар бир тан, бир жон бўлиб яшайди. Маҳалла руҳи юртдошларимиз ҳаётига, қалбига сингиб кетган. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми ҳам бугунги кунда маҳалла ва қишлоқларда истиқомат қилади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам айнан маҳаллаларда ўз ечимини топади.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир", деб номланган маърузасида маҳалла тизимига жуда катта ишонч билдирилди. Бугунги кунда фуқароларнинг энг долзарб муаммолари ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этилишида, уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишида маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти кучайиб бораётгани Юртбошимиз томонидан эътироф этилди. Бу нафақат фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган фаоллар, балки республикамиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро қалбида чексиз ғурур уйғотди.

— Муҳтарам Президентимизнинг маърузаларини эшитиб, тўлқинланиб кетдим. Яқин ўтмишда маҳалланинг жамиятдаги ўрнига, ўзбек халқининг шаклланишидаги аҳамиятига деярли эътибор қаратилмаганди. Натижада маҳаллада шаклланган миллий урф-одат ва анъаналаримиз унутилиш даражасига бориб қолган эди. Шукрки, истиқлол йилларида эзгу қадриятларимизнинг бешиги бўлган маҳалла янгидан шаклланди. Аввал бирор муаммони ҳал этиш учун туман ёки шаҳар марказига бориш керак бўлган бўлса, бугун барча масалалар маҳалланинг ўзида, фаолларнинг аралашуви ва саъй-ҳаракати туфайли ўз ечимини топаётир. Эътиборлиси, фуқаролар йиғини аҳолини маънавий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида барча имкониятларга эга. Шу боис, маҳаллаларда истиқомат қилаётган мен каби қариялар қўллаб-қувватлашлардан қувонган ҳолда, кексалик гаштини сурмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Кўкдала қишлоғи фаоли Шоди Чоршанбиев.

— Маҳалла оила ҳаётини, турмушини жамият билан боғлайдиган, оиланинг ҳар бир аъзоси онгига, қалбига миллий урф-одат, қадрият ва анъаналардан озуқа берадиган гўшадир. Шу боис, кейинги йилларда маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қолаверса, модернизация жараёнига ҳам жиддий эътибор берилаётир. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолиши Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланган. Демакки, бу жараён биз маҳалла фаоллари зиммасига яна ҳам катта масъулият юклайди. Ана шу масъулият маҳалла ободлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий манфаатларини барқарорлаштириш йўлида дастуриламал бўлади, деб ўйлайман. Юртбошимиз маҳаллалар тизими ҳақида гапирар экан, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида ҳам тўхталиб ўтдилар. Албатта, бугун маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланувчилар сони кўпчиликни ташкил этади. Бу бевосита мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги аниқ йўналтирилган режа билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани "Байналмилал" маҳалласи раиси Равшан Абдуллаев.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ > [2]

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

# ЭЛ ҲАМЖИҲАТ, ФАОЛЛАР ТАЯНЧ БЎЛСА...

Тонгда маҳаллани айланиб юргандим, фаолларимиздан Равшан Аҳмедовни учратиб қолдим. Салом-аликдан кейин у гап очди:

— Оқсоқол бува, маҳалламизнинг номи «Бинокор» бўлсаю, нега ҳудудимизда тўйхона йўқ? Қўшни маҳалладаги тўйхонага бориб келиш бироз ноқулайлик туғдиряпти. Оворагарчиликка чек қўйиб, ихчам тўйхона қурсак, нима дейсиз?

Бу ташаббус менга ҳам ёқиб тушди. Ахир, узоқдаги тўйхонага бориш ёки ҳовлиларда ғала-ғовур кўтариб тўй ўтказишнинг ҳам чеки бор-ку. Қолаверса, бу ташаббус амалга ошса, тўй-маъракаларнинг ихчам, камчиқим ўтишини таъминлашда йиғинимиз мутасаддиларига енгиллик яратилади. Тўғриси, шундай фидойи инсонлар борлигидан қувондим. Ўша куниёқ Равшан ака ва бошқа фаоллар билан идорада бафуржа гаплашиб, маҳалла марказидаги қурилиши тугалланмай қолиб кетган иншоот ўрнида тўйхона қуришга келишиб олдик. Саховатпеша тадбиркор Искандар Қаландаров: «Маиший бино қуриш учун тегишли жойдан рухсатнома олишда кўмаклашсангиз, бу ишга ўзим бош бўламан», деди. Шу ҳақда туман ҳокими номига ариза ёздик. Таклифимиз тезда инобатга олинди. Қисқа фурсатда кўркам, бежирим тўйхона қад ростлади. Иншоотни фойдаланишга топшириш маросимида отахон ва онахонлар таклиф билдиришди: «Янги маросимлар залидаги биринчи тўй кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ кечасини ўтказишдан бошланса миллий удумларимизга мос бўларди». Ўз ўрнида, билиб айтилган бу фикр ҳаммага маъқул келди.

Атрофингда ҳамдард, ҳамфикр, мададкор бўладиган фаоллар, жонкуяр инсонлар бўлгани яхши. Умрбекнинг тўйи шунақа зўр ўтдики, кўрганлар, эшитганлар ҳавас билан бизга: «Ҳамжиҳатлик бўлса, кўп муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал қилса бўлар экан-ку», деб ташаккур айтишди.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни давом эттиряпмиз. Аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш масаласи ҳам ижобий ҳал қилинди. Ҳудудда янги спорт мажмуаси қад ростлади. Ҳозир бу ерда маҳалламиз фарзандлари спортнинг ўндан зиёд тури билан шуғулланишмоқда. Отабой Содиқов, Қувондиқ Дўстжонов, Сурайё Искандарова сингари мураббийлар ёш авлоднинг жисмонан чиниқиши йўлида фидойилик кўрсатишмоқда.

Ҳудудимизда яшовчи бир фуқаронинг диний экстремистик оқимларга мойиллигини аниқладик. У билан ўтказилган суҳбатда билиб-билмай ёт ғоялар таъсирига тушиб қолганини, бундан қаттиқ пушаймон эканини айтди. Уни тўғри йўлга бошлаш мақсадида барча хатти-ҳаракатларини назоратга олдик. Иш билан таъминлаб, бекорчи юришига чек қўйдик. Ҳозир у ҳалол меҳнат қилиб, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этяпти.

Маҳалладаги 686 та оилада уч мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг эҳтиёжи билан боғлиқ айрим муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этяпмиз. Газ таъминоти ва электр қуввати узатиш билан боғлиқ эътирозлар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, камчиликларга барҳам берилди. Айни пайтда айрим кўпқаватли уйларнинг тепа қаватларига ичимлик суви чиқариш муаммоси бизни ўйлантириб келади. Жорий йилда мутахассисларни жалб этиб, ичимлик суви етказиб бериш чораларини кўрмоқчимиз.

Ҳудудимизда дорихона, учта новвойхона, иккита тикувчилик цехи, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. Уларда ўнлаб фуқаролар иш билан банд. Равшанбек Отамуродов, Гавҳар Ёқубова, Мақсуд Ражабов, Ражаббиби Абдушарипова, Асия Раҳимова, Олия Рўзиматова, Оллаберган Шихов каби фаоллар муаммолар ечимини топишда ўз маслаҳати, амалий ёрдамларини аямаяптилар. Муаммосиз маҳалла йўқ. Гап уни ижобий ҳал қилишда. Бу йўлда астойдил ишлашни ният қилганмиз.

**Шоназар БЕКЖОНОВ,**
**Хива туманидаги «Бинокор» маҳалласи оқсоқоли.**

# ДУНЁ ДЎКОНИНИНГ ДАРЧАСИ

**УНГА кириш осон, лекин чиқиш мушкул**

Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатида дўкон шундай таърифланади: бирор нарса сотиш учун махсус жиҳозланган савдо-сотиқ хонаси – баққол дўкони, китоб дўкони, пойабзал дўкони ва ҳоказо. Илгари ҳеч ким пойабзал хариди учун баққоллик, гўшт олиш ниятида китоб дўконининг дарчасини чертмасди. Тараққиёт мевасини қарангки, дастлаб универмаг, кейинчалик супермаркетларнинг пайдо бўлиши шундай дўконлар эшигидан кирган харидорнинг мушкулини осон қилди. Кийим-кечак ва атторлик, хўжалик моллари ва маиший техника, озиқ-овқатнинг минг хили, ҳар қандай мижозга маъқул келадиган сервис — буларнинг бари битта дўконда мужассам. Бироқ ҳеч қайси супермаркет олди-бердию савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ва ахборот алмашиш, қулайлигу имкониятлар кенглиги бўйича интернетнинг олдидан ўтолмайди. Унинг дунё дўкони дея таърифланиши ҳам шундан.

ИБРАТ КЎЗГУСИ > [6]

МУНОСАБАТ

# АНИҚ МАҚСАД САРИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН

— Бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий инқироз туфайли корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолаётганини, ишсизлар сони ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Сир эмас, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди. Президентимиз маърузаларида "2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даромадларнинг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз", деб таъкидлаб ўтганлар. Дарҳақиқат, иқтисодиётимиздаги бу ўсиш суръатини, республикамизнинг барча худудларида яққол сезиш мумкин. Биргина Денов туманининг мисолида айтадиган бўлсам, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 18 та маиший хизмат кўрсатиш объекти қуриб фойдаланишга топширилди. Туманда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали 561 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Шундан 441 нафари 18-30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар. Президентимизнинг маърузалари 2010 йилда ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш вазифасини бош мақсад этиб белгилаб берди, десам янглишмайман. Биз жорий Баркамол авлод йилида ана шу мақсад сари дадил ҳаракат қиламиз, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Денов туман бўлинмаси бош мутахассиси Гулбаҳор Бегматова.

Дарҳақиқат, халқимизда: «Қимирлаган қир ошар», деган ҳикмат бор. Шу маънода, энг машаққатли йилларда ҳам ўсишга эришишнинг асоси маҳаллалар билан боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Келинг, бу фикримизни маҳаллалар ҳаёти мисолида давом эттирайлик.

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги «Минглар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Носир бобо Мамараҳимов шундай дейди.

— Йиғин ҳудудида Минглар, Учтепа, Қозоқота, Тарвузтовоқ қишлоқлари мавжуд. Улардаги хўжаликлар сони 881 та. Ҳар бир хўжалик 6 сотихдан 12 сотихгача томорқага эга. Аҳоли бўш пайтларда ана шу ердан унумли фойдаланиш билан машғул. Маҳаллада фаолият юритаётган «Аҳоли томорқаси ва ундан фойдаланиш, ижтимоий соҳа, уй-жой қурилиши, коммунал хизмат ва бошқа долзарб масалалар бўйича махсус гуруҳ» ҳар бир хонадоннинг ердан қандай фойдаланаётганини назорат қилиб боради. Гуруҳ аъзолари турли соҳа эгалари бўлиб, ердан самарали фойдаланиш бўйича катта тажриба тўплаган. Улар томорқасидан яхши ҳосил олаётганларни рағбатлантириш, ҳосилдор ернинг умрини беҳуда ўтказаётганларга тегишли чоралар қўллаш бўйича маҳалла йиғинига таклифлар киритишади. Буни тўғри тушунган маҳалла аҳли эса яратилган имкониятни бой бермаслик учун сидқидилдан меҳнат қилишга одатланган.

Минглар қишлоғида истиқомат қилаётган Саъдулла Мардиев хонадонига тегишли 12 сотих томорқани кўрибоқ, бу уйда хайру барака, тўкинлик барқарорлигига амин бўлдик. Кузда шудгор қилинган замин тупроғи кўпчиб, маҳаллий ўғит билан тўйинтирилгани боис, ҳосилдорлиги шундоқ билиниб турибди. Бир тарафида парвариш қилинаётган кўчатлар, қишда ҳам баҳор нафасини эслатади. Дастурхондаги сархил мевалар, мураббολар оила тадбиркорлигидан дарак беради.

Бундай оилавий тадбиркорлар жуда кўп. Мисол тариқасида учтепалик Холмурод Ўроқов, қозоқоталик Боливой Қодиров, тарвузтовоқлик Алишер Қўчқоровлар хонадонларини олайлик. Уларнинг ҳар бири томорқасида етиштирган мўл ҳосил эвазига олган даромадларидан, оила эҳтиёжидан ташқари, кам таъминланган оилаларга кўрсатаётган ёрдамлари ҳақида ҳам суюниб гапиради.

Юртбошимиз маърузасида таъкидланган 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган инқирозга қарши чоралар дастури маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш баробарида аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, иқтисодий барқарор ўсиш суръатларини янада ошириш имконини бермоқда.

— 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Бу, муҳтарам Юртбошимизнинг биз маҳалла ёшларига қаратилган яна бир ғамхўрликлари, деб ўйлайман. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ биз ёшлар учун илм-фан йўналишида ҳам, спорт ва маданият йўналишида ҳам кенг имкониятлар эшиги очилди. Интеллектуал салоҳиятли тенгқурларим ўз иқтидорлари билан мустақил юртимизни дунёга танитмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси ёшларнинг маънавий дунёсини юксалтириш, уларнинг ахлоқий тарбияси борасида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Демак, биз ёшлардан фақат интилиш, изланиш талаб этилади. Менинг ҳам келажакдаги орзуим Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдир. Бу борада ҳозир яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, билим ва маҳоратимни ошириб бормоқдаман. Ота-боболаримиз айтадиларки, маҳалла — катта бир оила, катта бир мактаб. Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ана шу оилада туғилади ва камол топади. Демоқчи бўлганим, ҳар биримиз дастлабки тарбияни оилада, маҳаллада оламиз. Мен каби мустақил юрт фарзандларининг барчаси меҳр-оқибатли бўлишни, ҳурмат-иззатни маҳаллада ўрганамиз ва ҳақиқий юрт фарзанди бўлиб вояга етамиз, — дейди Қўқон Давлат педагогика институти талабаси Феруза Самадова.

Юртбошимиз маърузаларида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг таъсири ва аҳамияти кучайиб бораётганини инобатга олиб, маҳалла фуқаролар йиғинига энг муносиб номзодларни сайлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилишини эътироф этиб ўтдилар. Бу айни ҳақиқат эса замон билан ҳамнафас яшаётган ҳар бир юртдошимиз, қолаверса, маҳалла тизими фаолларига катта маъсулият ва янги вазифалар юклайди. Шу билан бирга ҳар биримизни аниқ мақсад ва устувор йўналишларни оғишмай бажаришда якдиллик билан меҳнат қилишга даъват этади.

**Ёдгор АШУРОВ,**
**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**«Mahalla» мухбирлари.**



## Республикамиз маҳаллаларида

### ХОТИН-ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

**АНДИЖОН** вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Қорасув шаҳрида спортнинг 5 та тури бўйича хотин-қизлар ўртасида спартакиада мусобақаси ўтказилди. Унда ўқув даргоҳларида меҳнат қилаётган мактаб ва коллеж ўқитувчилари, уй бекалари ғолиблик учун ўзаро куч синашишди.

Мусобақа натижаларига кўра, 4-мактаб ўқитувчиси Муяссар Шерматова шашка, Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ходими Феруза Толипова шахмат, 6-мактаб директори Ҳилола Турсунова стол тенниси бўйича спартакиада ғолиби бўлдилар. Шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси баскетбол, 5-мактаб жамоаси волейбол баҳсида биринчиликни қўлга киритди.

Ғолиблар вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

### «МЕН АСКАР БЎЛАМАН»

Гулистон Давлат университетининг ахброт-ресурс марказида ана шундай шиор остида ўқувчилар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Мудофаа ишлар бўлими, «Сайқал» маҳалласи ҳамда 9-мактаб мутасаддилари ташаббуси билан ўтказилган мазкур кўрик-танловда йиғин фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, устозу мураббийлар, ота-оналар иштирок этишди.

Ёшларни ўз она-юртига садоқатли ҳамда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган танловда ўқувчи ёшлар 4 та шарт бўйича ўзаро беллашиб, маҳоратларини намойиш этишди. Барча шартларни муваффақиятли адо этган Азамат Мусаев, Маъруф Юнусов ва Исмат Мўминов юқори натижаларни қайд этишди.

Кўрик-танлов якунида ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

### ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШДИ

**ЮРТИМИЗДА** она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифалардан саналиб, бу борада кўплаб ташкилий-амалий ишлар амалга ошириляпти. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган қатор қонунлар, чора-тадбирлар дастури маҳаллаларда ўз ижросини топаётгани эътиборга молик.

Яқинда «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқарувида мазкур қарорлар ижросини таъминлаш бўйича Мирobод тумани мисолида кенгайтирилган раёсат йиғилиши ўтказилди. Унда жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Миробод тумани бўлинмаси вакиллари, йиғин раислари, маслаҳатчилар, масъул котиблар, бош ҳисобчи ва фаоллар иштирок этишди. Йиғилишда туманда аҳоли саломатлигини тиклаш борасида намунали ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди.

Тадбир йиғин раислари (оқсоқоллари) ўртасидаги ўзаро тажрибалар оммалашувига, қолаверса, маҳаллаларда саломатлик йўналишидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизда III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этадиган қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишидаги инновацион лойиҳаларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари, ихтирочилар ва лойиҳа раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида илмий-тадқиқот муассасалари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 1-3 март кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги ярмаркага тегишли идора ва ташкилотлар пухта тайёргарлик кўраётир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ҳам бу борада муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Махсус комиссия истиқболли лойиҳаларни саралаш, улар орасидан энг самарадорларини аниқлаш мақсадида кўргазма ташкил этди. Унда уч юздан ортиқ истиқболли илмий ишланма намойиш этилди.

— Мазкур ишланмалардан 120 дан зиёди III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этиш учун танлаб олинди, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази директорининг ўринбосари Муҳаммаджон Тошболтаев. — Комиссия илмий ишланмаларни ўз фаолиятида жорий этган фермер хўжаликлари, ташкилотлар, машинасозлик заводларининг иқтисодий самарадорлигини оширадиган ҳамда харажатларни камайтирадиган техника ва технологияларга алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур янгиликларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги, уларни зараркунандалардан сақлаш, экинларга замонавий технологиялар ёрдамида ишлов бериш, чорвани турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш, фермер хўжаликлари учун ихчам ускуналар, ресурсларни тежовчи ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини иқтисод қиладиган машина ва механизмлар яратиш каби ишланмалар ташкил этади.

Жорий йилги ярмарка иштирокчилари орасида ёшлар кўп.

— Илмий жамоамиз анъанавий ярмаркада 60 ортиқ мавзудаги ишланма билан иштирок этади, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг инновация интеграция маркази раҳбари Бахтиёр Жумаев. — Эътиборлиси, 21 инновацион лойиҳа талаба, аспирант ва магистрлар томонидан таклиф қилинмоқда. Мисол учун, универсал чопиқ-ҳайдов тракторларининг трансмиссия мойини тозалаб берувчи қурилма узатмалар қутисига ўрнатилади ва трактордаги қимматбаҳо ишчи қисмлар ейилишининг олдини олади. Трансмиссия мойидан фойдаланиш муддати бир ярим баробар узаяди. Бунда битта трактордан бир йилда 20 литр мой иқтисод қилишга эришилади. Юртимизда 30 мингта шундай трактор борлигини ҳисобга олсак, 600 минг литр мой тежалади. Шунингдек, шунча мойнинг чиқиндига чиқарилиши натижасида пайдо бўладиган экологик бузилишнинг олди олинади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**






Қўрғонтепа тумани Султонобод қишлоқ аҳли учун янги йил хайрли тадбир билан бошланди. Бу ерда «Султонобод» савдо ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти томонидан янги қишлоқ гузари қуриб битказилди.

Йигирма минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат қиладиган мажмуада савдо дўкони, қассобхона, велемотор устахонаси, радио-техника воситаларини таъмирлаш хонаси ва кичик бозор растаси, мини маркет дўкони барпо этилди.

**Шуҳрат Олимов (ЎзА) олган сурат.**

**СУРАТДА:** Қўрғонтепа тумани Султонобод қишлоғидаги янги қурилган гузардан лавҳалар.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартидан 2010 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, стауэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- "Баркамол авлод йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**
**www.Journalist.uz**

## ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

**САМАРҚАНД** туманидаги мебель, спорт анжомлари, ўқув жиҳозлари тайёрланадиган «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт муассасалари учун 60 турдан ортиқ жиҳоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Жумладан, беморларга тезкор хизмат кўрсатишда асқатадиган кроватлар ишлаб чиқарилаётгани мижозларимизни қувонтирди, — дейди МЧЖ раҳбари Ўктам Саидмуродов. — Ушбу жиҳознинг афзаллиги шундаки, уни беморнинг ўзи электрон пульт орқали бошқариши мумкин.

Мазкур тиббиёт ускуналарини келгусида хорижий мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

# ЛИМОНЗОР МАҲАЛЛАСИДАГИ ЯНГИ УЙЛАР



Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Термиз туманидаги Лимонзор маҳалласида намунавий лойиҳа асосида йигирмата янги турар-жой барпо этилмоқда.

"Пардоз" кўп тармоқли фирмаси ишчилари янги уйларни белгиланган муддатидан аввал фойдаланишга топширишни мўлжаллаётир.

— Ўнта уч хонали, бешта тўрт ва бешта беш хонали якка тартибдаги уйлар сифатли, замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда, — дейди мазкур фирма раҳбари Нуриддин Ўтаев. — 150 нафардан ортиқ тажрибали қурувчиларимиз икки сменада меҳнат қилаётир. Шу кунларда уйларнинг том қисмини ёпиш, замонавий эшик-ромлар ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

"Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институтининг лойиҳаси асосида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойлар узлуксиз электр энергияси, тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланади. Канализация тармоқлари ўрнатилади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларда бундай шинам, барча шарт-шароитларга эга замонавий уйларнинг бунёд этилаётгани аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг ёрқин намунасидир.

— Уйларнинг томини черепица билан ёпмоқдамиз, — дейди дурадгор Комил Хўжанов. — Ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олиб, томларга ҳавони мўътадиллаштириб турадиган керамзит материали ҳам тўшалмоқда. Энг муҳими, фойдаланилаётган барча қурилиш материаллари экологик тоза бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

— Лимонзор маҳалласида янги уйлар қурилаётганини эшитиб, уч хонали уйга буюртма бердим, — дейди Гулчеҳра Дониева. — Уйнинг қурилиши учун бошланғич бадални тўладим ва менга "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят филиалидан узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилди. Бугун уйнинг қурилиши билан танишиш учун келдим. Барча ишлар сифатли олиб борилаётганини кўриб қувондим. Хоналар кенг ва шинам. Шаҳардаги уйлардан фарқи йўқ. Янги уйга кўчиб ўтгач, катта ўғлим Муҳиддинжонни уйлантириб, қўшалоқ тўй ўтказишни ният қилиб турибмиз.

Бугунги кунда Тошкент-Термиз автомагистрали бўйида бунёд этилаётган якка тартибдаги намунавий уйлар учун ўн гектар ер майдони ажратилган. Айни пайтда 1,2 гектар майдонда замонавий уйлар бунёд этилаётир, жорий йилда яна 2,4 гектар майдонда қирқта янги турар-жой қурилиши бошланади. Ҳудуднинг бош режасига мувофиқ, бу ерда турли маданий-маиший бинолар, савдо нуқталари, болалар боғчаси ҳам қад ростлайди. "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Сурхондарё вилояти филиалидан олинган маълумотларга кўра, аҳолидан янги қуриладиган уйлар учун кўплаб буюртмалар тушмоқда ва бошланғич бадал шакллантирилмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЗАМОНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК МАЖМУАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири — Ширин шаҳрида жойлашган Сирдарё иссиқлик электр станцияси жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

**...ҳар бир сигирнинг оёғига махсус микрочиплар ўрнатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундан кутилган мақсад — бу махсус «ковушчалар» ҳар бир сигирнинг соғлиги ҳақида компьютерга тўлиқ ва аниқ маълумотлар етказиб берилишини таъминлайди.**

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан Сирдарё ИЭС очиқ акционерлик жамиятига қарашли наслли моллар мажмуасини қуриш ва мустаҳкам озуқа базасини яратиш мақсадида Ховос туманидаги Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 720 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Қувонарлиси, қисқа вақт ичида бу ерда чорва моллари боқиш учун замон талабларга мос чорвачилик мажмуаси барпо қилинди.

Мажмуада қорамоллар парваришига жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, ҳар бир сигирнинг оёғига махсус микрочиплар ўрнатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундан кутилган мақсад — бу махсус «ковушчалар» ҳар бир сигирнинг соғлиги ҳақида компьютерга тўлиқ ва аниқ маълумотлар етказиб берилишини таъминлайди. Эндиликда компьютер орқали кунига соғиб олинган сут миқдори, сифати, сигирнинг вазни, маҳсулдорлиги тўлиқ таҳлил қилиб борилмоқда.

Мажмуада барча ишларнинг компьютер орқали назорат қилиб борилаётгани, наслли қорамолларнинг рацион асосида парваришланаётгани, улардан соғиб олинаётган сут маҳсулотларининг сифати диққатга сазовордир. Муҳими, бу ерда ишлаётган юздан ортиқ ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Наслли қорамолларни кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш борасида қисқа вақт ичида яхши натижаларга эришдик, — дейди Сирдарё ИЭС очиқ акционерлик жамияти раиси Раҳим Толипов. — Вилоят ҳокимининг қарорига асосан ажратилган ер майдонида қорамоллар учун тўйимли озуқабоп экинлар етиштиряпмиз. Бунинг учун 20 тадан ортиқ техника кучидан фойдаланилгани етарли озуқа базасини яратишимизда муҳим омил бўлди. Келгусида етиштирган маҳсулотимизни шу ернинг ўзида қайта ишлашни режалаштирганмиз. Ҳозир мажмуада қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Қайта ишлаш цехи хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангандан сўнг 7 хил сут маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришамиз.

Мажмуада бугунги кунда Белорусь Республикасидан келтирилган 486 бош "Гольштен-Фриз" қорамоли парваришланмоқда. Бу наслдор моллар мамлакатимизнинг куз, қиш, баҳор ва ёз иқлим шароитига аста-секинлик билан мослашмоқда. Мажмуада Исроил технологияси асосида 32 бош қорамолни бир зумда соғиб оладиган комютерлашган цех ишга туширилди. Бугунги кунда бу цехда ҳар куни 2 тоннага яқин сут соғиб олиниб, вилоятдаги «Сайхунсут» корхонасига қайта ишлаш учун жўнатилмоқда.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

# ТИББИЙ КЎРИК ВА ТАРҒИБОТ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳаллаларга жиддий эътибор қаратилгани ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр туйғусини уйғотаётгани, шубҳасиз. Жумладан, маҳаллаларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан етук авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кучайтириш бўйича туманимизда эътиборга молик ишлар бажариляпти.

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ҳудудидаги ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарларига, шу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар ва улар ижросига жиддий ёндашган ҳолда, кенг кўламдаги дастурларни белгиланган муддат ичида ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Туман тиббиёт бирлашмаси томонидан дастур ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, туман комиссиясига тақдим этиш юзасидан мониторинг гуруҳи ташкил қилингани ҳам ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Тумандаги чекка ҳудуд ҳисобланган Қумариқ, Найман, Найманбўстон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда экологик ҳолати ноқулай бўлган "Конизар", "Терактаги", "Яковут" маҳаллаларидаги туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда ушбу ҳудудларда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари давом эттирилаётир. Вилоят "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" жамғармалари ҳамкорлигида ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тумандаги туғиш ёшидаги аёлларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик натижаларига кўра, касаллиги аниқланганлар шифохона ва уй шароитида даволаниб, соғломлаштирилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси билан бирламчи бўғин муассасалари раҳбарларининг ҳар ойда, белгиланган режа асосида, аҳоли билан бевосита учрашувлари ташкил қилинаётир. Туман "Саломатлик маркази", "Репродуктив маркази" томонидан аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, улар онгига соғлом авлодни вояга етказиш ғоясини сингдириш мақсадида буклетлар, ўқув қўлланмалар ҳамда кўргазмали воситалар тайёрланиб, жойларга етказилмоқда. Шунингдек, туманда фаолият олиб бораётган 18 та ҚВПда ташкил қилинган "Репродуктив саломатлик бурчаклари" қайта кўриб чиқилиб, бугунги кун талаби асосида жиҳозланди.

Айтиш жоизки, туманимиздаги 48 та умумтаълим мактаби ҳамда 5 та касб-ҳунар коллежида ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб туман тиббиёт бирлашмасининг малакали мутахассислари томонидан "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" мавзусида 16 соатлик ўқув-машғулотлари ўтказиб келиняпти. Таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳар бир таълим муассасасига алоҳида малакали ҳамшира бириктирилган. Уларнинг фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратилиб, хоналарга керакли 24 хилдаги биринчи ёрдам учун асқатадиган дори-дармонлар шай қилиб қўйилган.

Амалга ошираётган ибратли ишларимиздан яна бири, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган йиғилишларда туман ФҲДЁ бўлими, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси мутасаддилари ҳамда имом хатиб иштироки таъминланиб, аҳолига, айниқса, оила қуриш арафасидаги ёшларга расмий никоҳнинг афзаллик жиҳатлари борасида тарғибот-ташвиқот ишларининг йўлга қўйилганидир. Тушунтириш ишларида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилишида ота-онанинг масъулияти, оила муқаддаслиги каби эзгу қадриятлар бош мавзу бўлаётир. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада юқори поғонага кўтариш мақсадида 5 кишидан иборат махсус жамоатчилик гуруҳи ташкил этилган. Бу гуруҳ аъзолари, йиғин фаоллари, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида хайрли ишларни адо этишаётир.

**Меҳрихон АБДУЛЛАЕВА,**
**"Маҳалла" жамғармасининг Тошлоқ тумани бўлими бош мутахассиси.**



**Андижон туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Толерант" тиббий марказининг Хортум қишлоқ фуқаролар йиғинида "Толерант сервис" хусусий шифохонаси очилди.**

**Шифо масканида касалликларни самарали даволаш учун барча тиббий жиҳозлар мавжуд. Клиник диагностика маркази, маслаҳатхона, физиотерапия хоналари беморларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.**

**СУРАТДА:** *"Толерант сервис" хусусий шифохонасининг ҳамшираси Ҳамидахон Умурзоқова иш пайтида.*

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

РАҒБАТ

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолияти доирасида фахрий журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимо эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, 2006 йилдан бери анъанавий равишда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Фонд Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда иккинчи жаҳон урушида қатнашган журналистлар, уруш ногиронлари, ҳаётини миллий матбуотни ривожлантиришга бағишлаган, ўзининг ҳалол меҳнати, юксак ижодий салоҳияти билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фахрийларни шарафлаш маросимини ташкил этиб келяпти.

Журналист-фахрийлар ўз ижод салоҳиятлари билан жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда кекса авлод вакилларининг катта ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. Фахрийларнинг бугунги кун оммавий ахборот воситалари фаолияти, миллий журналистикани жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, ёш журналистларнинг малакасини ошириш масалалари хусусидаги тажрибалари муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, бир неча йилдирки, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Мукофот, рағбатлантириш ва ёрдам дастури» ҳамда «Ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастури» доирасида мамлакатимиз матбуоти ривожига ўз ҳиссасини қўшган фахрий журналистларнинг «Ўзбекистон матбуоти» журналига бепул обунасини ташкил этиб келмоқда. Хусусан, Фонд томонидан 2010 йилда республика матбуоти, телерадио,ноширлик ва матбаачилик соҳаларида узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилган 50дан ортиқ фахрий журналист «Ўзбекистон матбуоти» журналига бепул обуна қилинди.

Фонд анъанага содиқ қолиб, ушбу хайрли ишларни давом эттиришни режалаштирган.

ЁНҒИН ҲАВФСИЗЛИГИ

# БИРГАЛИКДА ОФАТГА ҚАРШИ

**ҚИШ** кунларида аҳолининг турли ёнғин, газ ва электр хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган иситиш воситаларидан фойдаланиши ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган режа асосида газлаштириш ҳамда электр тармоқлари идоралари мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида хонадонларда қиш мавсуми даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, носоз ва қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланмаслик, ёнғин чиққан ҳолатларда инсонларни куйиб, тан жароҳати олиши ва жабр кўришининг олдини олиш борасида профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ саналади:

- очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;
- электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ҳамда қўлбола тайёрланган иситиш воситаларидан фойдаланмаслик;
- белгиланган жойларда чекиш.

Мазкур қоидаларга амал қилинса, фуқаролар ўз мол-мулкини, уй-жойини, қолаверса, яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

**Р.ШАРОПОВ,**
**ИИБ ЁХБ 12-ХЁҲО катта лейтенанти.**

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# ТАДБИРКОР ВА ҲУНАРМАНДЛАР КЎМАГИДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада ривожланишида муҳим омил бўлди. Натижада юртимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиши йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар, ҳунармандлар ва касаначилик фаолияти билан шуғулланувчилар сони кўпайди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиясининг фаолияти кенгайиб, чекка ҳудудларда ҳам якка тартибдаги тадбиркорлар сони ортди. Шу боис, бугун мамлакатимизнинг қайси бир маҳалласига ташриф буюрманг, аҳолини иш билан таъминлаётган ва турли маҳсулотлар билан бозорларимизни бойитаётган тадбиркорларни учратасиз. Уларнинг нафақат ўз оиласи, балки ҳудуддаги бошқа хонадонлар фаровонлигига ҳам ҳисса қўшаётганини кўриб қувонасиз.

Хусусан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида биргина Сирдарё вилоятида Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиясининг фаолияти яхши йўлга қўйилгани боис, якка тартибдаги тадбиркорлар сони 1102 нафарга, жумладан миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётганлар сони 142 нафарга, касаначилик билан шуғулланаётганлар сони эса 389 нафарга етди. Шунингдек, уйда бекор ўтирган хотин-қизлар, ишлашни хоҳловчи фуқаролар комиссия аъзоларининг ташаббуси ва фуқаролар йиғинининг қўллаб-қувватлаши билан ишга жойлаштирилди. Бугунги кунда улар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиш билан бирга, оилалари даромадини ҳам оширишмоқда.

— Аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш, уларга ҳунар ўргатиш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими масъул котиби Ғулом Маматов. — Бу борада доимо Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиясининг кўмагига суяниб келамиз. Чунки комиссия аъзолари маҳалладаги ишсиз фуқароларнинг, қандай юмуш билан шуғулланаётганини яхши билишади. Ҳатто маҳалла ҳудудида қадимдан ривожланиб келган ва бугунги кунга келиб йўқолиб бораётган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклашда мазкур комиссия аъзолари жонбозлик кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги маҳаллаларда ташкил этилган 172 тадан ортиқ махсус тўгаракларга 5 мингга яқин фуқаро жалб этилган. Уларга ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари бўйича "Устоз—шогирд" анъаналари асосида сабоқ берилмоқда. Натижада тикувчилик, тўқувчилик, наққошлик, пойафзал таъмирлаш каби йўналишларда кўплаб ёшлар моҳир уста бўлиб етишишяпти. Эътиборлиси, уларнинг мустақил фаолият олиб бориши, иш бошлаши Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси томонидан мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Бугунга қадар шу тариқа кўплаб хотин-қизлар иш билан таъминланди. Юртбошимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида вилоятдаги корхоналар билан фуқаролар йиғини ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Баъзан корхона мутасаддилари ўз уйида ишлаш нияти бор оила аъзоларини топиб беришни илтимос қилиб, йиғин мутасаддиларига мурожаат қилишади. Комиссия аъзолари эса маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат оила аъзолари бекор ўтирган хонадонларга бориб, уларга касаначилик асосида ишлашни таклиф қилишади.

Вилоятда бугунги кунда мактаб ва касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртида билим олишни давом эттирмаган ёшлар жойлардаги корхона ва турли тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштириляпти. Баъзилари эса, туманлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар таклиф қилган иш ўринларини эгаллашмоқда. Эътиборлиси, 2009 йили вилоятдаги 277 та маҳаллада истиқомат қилаётган бир ярим мингга яқин фуқаро Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси кўмагида иш билан таъминланди.

— Халқимизда: "Бекорчидан худо безор", деган нақл бор, — дейди Гулистон туманидаги "Деҳқонобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи пойабзал таъмирловчи уста Бекмирза Сангилов. — Чунки фойдали иш билан шуғулланмайдиган лоқайд, дангаса кимсаларнинг кўнглида бузуқ ният туғилади. Шу боис, қадимдан ёшларнинг жамиятга наф келтирадиган ишлар билан банд бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай эътибор уларнинг ишига пишиқ, ҳар кимнинг алдовига учавермайдиган, оқ-қорани, яхши-ёмонни ажрата оладиган инсон бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлган. Шу сабабли, маҳалладаги ишсиз юрган ёшларга ўз ҳунаримни ўргатишга ҳаракат қиламан. Бу борада маҳалла фаоллари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Шогирдларим сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Яқинда маҳалла ёшларини ҳунар билан таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳридан тунукасоз уста Умаржон Муҳаммедовни олиб келдик. У ҳозир маҳалладошларимизга тунукадан турли хил буюмлар ясашни ўргатмоқда.

Таъкидлаш керакки, комиссия аъзоларининг жонкуярлик билан олиб бораётган фаолияти натижасида ўз фирма, корхоналарига эга тадбиркорлар сони ортмоқда. Масалан, 2009 йили вилоятда ишлаб чиқариш корхонлари сони 14 минг 282 тага, аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари сони 100 тага етди. Қувонарлиси, бугунги кунда улар маҳалланинг янада обод бўлишида муҳим аҳамият касб этаяпти. Вилоятдаги ишсиз аёлларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларга ҳунар ўргатиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, миллий либослар тикиш, ҳунармандчилик, қандолат маҳсулотлари пишириш ва бошқа йўналишлар бўйича «Устоз—шогирд» анъаналари асосида хотин-қизларга ҳунарлар ўргатилмоқда.

Кейинги йилларда Сирдарё вилоятида элликка яқин маҳалла гузари қад ростлади. Бугунги кунда улар янада чирой очиб бормоқда. Бу ерда ташкил этилаётган савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам аҳолининг оғирини енгил қилиш билан бирга, бандлик даражасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун вилоятда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик яхши йўлга қўйилгани боис, аҳолининг турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бораётир. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз қарияларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр тадбиркорлар ҳам кўплаб топилади. Шу сабабли, вилоятдаги фуқаролар йиғини фаоллари ҳар байрамда тадбиркорлар ҳомийлигида беморлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга турли совға-саломлар улашишяпти.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУС

## БОР жойда ютуқлар қайд этилаверади

Ўтган 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда барча корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ҳокимликлар қаторида "Маҳалла" жамғармасининг ҳам хизмати катта бўлди. Жамғарманинг Мирообод тумани бўлинмаси мутасаддилари, фаоллари асосий диққат-эътиборни маҳаллалар ҳаётини тубдан яхшилаш, йиғинлар ҳудудида бунёдкорлик, ободончилик ишларини изчил ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини оширишга қаратди.

Айтиш жоизки, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қуролли кучлар сафидан бўшатилган ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб-кори бўйича ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Уларда туманимиз ҳудудида жойлашган барча корхона ва ташкилотлар иштирок этиб, 900 нафарга яқин киши ишга жойлаштирилди. Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркаси" ўтказилиб, янги иш ўринларига 2,5 мингга яқин фуқаро жалб этилгани, уларнинг аксарияти ёшлар экани бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишига асос бўлди.

Шиддат билан ўзгараётган давр ходимлардан ўз мутахассислиги бўйича кучли билим ва маҳоратга эга бўлишни, малакасини кун сайин ошириб боришни тақозо этаётир. Шу боис, йиғин раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун-ҳужжатларини ўрганиш, йиғин фаолиятини ташкил этиш ҳамда мутасадди ходимларнинг маънавий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Масъул котиблар малакасини ошириш, билим ва кўникмаларини шакллантиришда бевосита кўмак бериб келаётган «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви қошидаги «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий марказида тумандаги ўнта йиғиннинг масъул котиби билим ва кўникмаларини бойитиб қайтишди. Маҳаллалар инфратузилмасини, моддий-техник базасини яхшилаш учун 12 та йиғин идораси компьютер жамланмаси, 4 та маҳалла мармар мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бундай имконият ва қулайликлар иш суръатининг жонланишига туртки бўлди.

Бугунги кунда бўлинмамиз ходимлари аҳолининг оғирини енгил қилиш, қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш, баркамол ёш авлодни вояга етказиш мақсадида фаол ишлашмоқда. Мавриди келганда айтиш керакки, халқимизга хос инсонпарварлик — қариялар, нуронийлар, фахрий отахону онахонларни қадрлаш анъанаси фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири. Туман ҳокимлиги, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари ҳамкорлигида қариялар имтиёзли равишда юртимизнинг тарихий шаҳарлари, зиёратгоҳ ва қадамжолари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ҳамда дам олиш масканлари бўйлаб саёҳатга бориб келишаётир. Ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳудудимиздаги маҳаллалар ёшларидан бир гуруҳи Муқимий номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Синфдош", "Тузоқ", "Ой онам — қайнонам" номли спектаклларни бориб кўришди. Шу мақсадда жамғарма ва ҳомийлар ҳисобидан 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтган йил давомида 62 та тадбир ва семинар ўтказилди. Оқсоқоллар ва маслаҳатчилар ташаббуси билан ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, сил ва юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида маҳаллаларда кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида анъанавий удумлар, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам, тежамли ўтказиш борасида ҳам тарғибот ишлари йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Шунингдек, режага асосан, кам таъминланган учта оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиш, рўзғор шароитларини яхшилаб бериш мақсадида бўлинма 1 миллион 400 минг сўм, ҳомийлар 3 миллион сўм ажратди.

Бундай ижобий кўрсаткичлар, хайрли ишлар ортида, албатта, ташаббускорлик, ҳамфикрлилик ва масъулият ётади. Биз бошланган 2010 йилда ҳам эзгу мақсадларимизни амалга ошириш учун ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга киришганмиз.

**Фарҳод ИРМУҲАМЕДОВ,**
**"Маҳалла" жамғармасининг Мирообод тумани бўлинмаси раиси.**

ИМКОНИЯТ

# САХОВАТДА ҲИКМАТ КЎП

**МАМЛАКАТИМИЗДА** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганидан самарали фойдаланиб, хайрли ишларга бош қўшаётган тадбиркорлар кўплаб топилади. Шундай инсонлардан бири Бувайда туманининг "Жийдали" маҳалласида фаолият юритаётган «Хон» кўп тармоқли фирмасининг раҳбари Сарваржон Тўхтаевдир.

Мазкур фирма, асосан, нефть маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади. Фирма томонидан 2008 йилда Андижон—Қўқон автомагистрал йўли ёқасида ёқилғи қуйиш шохобчаси қуриб битказилган эди. Ўтган йилнинг бошларида туманнинг Бачқир қишлоғида шохобча филиали фойдаланишга топширилди. Уларнинг фаолият кўрсата бошлаши қишлоқдаги 35 нафар кишининг доимий иш билан таъминланишига омил бўлди.

С.Тўхтаев фирма фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда "Жийдали" маҳалласида 5 гектар майдонни ўз ичига олган иссиқхона барпо этди. Натижада қўшимча 33 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Бугунги кунда мазкур иссиқхонада помидор, бодринг каби турли полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ҳозир иссиқхонанинг 0,35 сотих қисмида лимон кўчатлари ўтқазилиб, парваришланяпти. Бундан ташқари, иссиқхонага яқин йўл бўйида махсус дўкон қурилиб, полиз маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Нархларнинг арзонлиги харидорларни мамнун қилмоқда.

2009 йили "Жийдали" маҳалласидаги 3 километр ички йўллар фирма ҳисобидан тўлиқ асфальтланди, эскириб қолган электр симлари янгиланди ҳамда маҳалла аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ишларнинг амалга оширилиши учун шу кунгача 30 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Маҳаллада яшовчи кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилалар доимо эътиборимизда, — дейди "Хон" фирмаси директорининг ўринбосари Баҳодиржон Арслонов. — Уларга баҳоликудрат моддий кўмак бериб келяпмиз. Ҳар байрамда якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар оламиз. Янги йил арафасида туман марказида бир ҳафта давомида болалар учун байрам тадбирларини ўтказиб бердик. Ўтган давр мобайнида фирма ҳомийлигида туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, Риштон туманида истиқомат қилаётган икки оилага янги уй қуриб берилди. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида фирма ҳомийлигида 20 та жамоа иштирокида футбол турнири ўтказилди. Ғолиблар рағбатлантирилди, тушган маблағ эвазига ўйингоҳ таъмирланиб, спорт анжомлари билан таъминланди.

Айтиш керакки, Сарваржон Тўхтаевнинг фирма фаолиятини янада кенгайтириш борасида ўйлаб юрган режалари талайгина. Шулардан бири хориж инвестициясини жалб этиб, иссиқхонада етиштирилган ноз-неъматларни қадоқловчи, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонани ишга туширишдир.

— Ўлкамиз турли хил ноз-неъматларга бой, — дейди С.Тўхтаев. — Ҳамма гап ана шу неъматларни тайёр маҳсулотга айлантириб, хориж бозорларига чиқаришда. Ана шунда юртимиз довруғини янада ошириш билан бирга валюта тушумини кўпайтиришга ҳам ўз улушимизни қўшамиз.

Жийдалилик тадбиркор йигитнинг орзулари, дилга туккан эзгу ниятлари бисёр. Уларни амалга ошириш учун тадбиркор истиқлол берган имкониятлардан кенг фойдаланишни режалаштирган.

**Яйра КАРИМБЕРДИЕВА,**
**талаба.**

ТАДБИР

# НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАСИ



Ҳар йили юртимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларию олий ўқув даргоҳларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг таваллуд куни кенг нишонланиб келинади. Бу йил ҳам жойларда бу анъана изчил давом эттирилиб, ғазал мулкининг султони, улуғ бобокалонимиз таваллуд топган кун кўтаринки руҳда нишонланди.

Хусусан, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Зоирхон Жалилов номидаги маҳаллага қарашли Эргаш ота гузарида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишланган "Навоийхонлик" кечаси ўтказилди. Унда Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, туман ҳокимлиги, маҳалла фаоллари, шунингдек, ёши улуғ отахону онахонлар ва ёшлар иштирок этишди.

— Тадбирда тегишли ташкилот ходимлари билан бирга ёзувчи ва шоирлар қатнашгани айни муддао бўлди, — дейди маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзахалилов. — Уларнинг шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мазмунли маърузалари, айниқса, ёшлар онгида миллий адабиётимизга меҳр-муҳаббатни янада мустаҳкамлади.

— Тажрибамдан биламанки, ўқувчилар илмга, улуғ шоирларимизнинг бой маданий меросини, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга иштиёқманд, — дейди мактаб директори Умида Каримова. — Мавриди келганда айтиш жоизки, ёшлар Алишер Навоийнинг бизгача етиб келган шеъру ғазалларини, рубоийларини меҳр, ғурур ва ифтихор билан мутоала қилишади. Шундай бўлса-да, Навоий асарларию ғазалларидан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлари ҳали жуда кўп. Шу боис, аҳоли ва ёшлар ўртасида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бундай тадбирларни фақат улуғ шоир таваллуди айёми муносабати билан эмас, балки тез-тез ўтказиб туриш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарлари чинакам инсонпарварлик, ҳамдўстлик, тинчликни тарғиб этади. Шу билан бирга, инсонни комилликка даъват этиши билан ғоятда аҳамиятлидир. Истиқлол шарофати билан унинг сермаҳсул ижод намуналари кенг тарғиб-ташвиқ этилаётир, серқирра ижоди теран таҳлил этилиб, ўрганилаётир.

Тадбир сўнггида мактаб ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган бадиий чиқишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

# ЭЛ ИШОНЧИ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАДИ

Деҳқонободликларнинг даврасида, албатта, Нодирахон ҳақида гап очилади. Кимдир фахрланиб, кимдир ҳавас қилиб, яна биров ундан миннатдор бўлиб гапиради.

— Нодирахон ишбилармонликда эркакларни йўлда қолдириб кетди, десам ишонаверинг, — дейди Мирза Турсунзода номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Ҳайитова. — Биринчилардан бўлиб тадбиркорликка қўл уриб, кичик корхона ташкил этди. Бугун маҳалламиз аҳлига жуда кўп фойдаси тегяпти.

Дарҳақиқат, Нодира Бойназарова бошлиқ «Мансур» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилганига 14 йилдан ошди. Дастлаб корхона қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширарди.

— Маҳалламизда қўлигул уста дурадгорлар кўп. Аммо уларнинг гулдай ҳунари бўла туриб, бекор юришганлари олдимга янги мақсад қўйишимга турткм бўлди, — дейди тадбиркор аёл. — Турмуш ўртоғим — қурувчи. У кишининг кўмаклари билан мақсад сари интилдим. Маҳалладаги қурувчи, уста, дурадгор, сувоқчиман деганининг барини иш билан таъминлашга ҳаракат қилдим ва туманимиздаги мактаб, корхона, ташкилотларнинг таъмирталаб бўлиб қолган биноларини таъмирлай бошладик.

Бугунги кунга келиб, буюртмачилар сони ҳам ортди, корхона фаолияти ҳам кенгайди. Энди Нодирахонда ишсиз аёлларни ҳам ишга жалб этиш фикри туғилди. Қарши шаҳрига бориб, турли ширинликлар пишириш сирларини ўрганиб келди. Дарҳақиқат, излаган имкон топади, деб бежиз айтишмайди. Нодирахонда ўзига хос бир хусусият бор. Бир ишни бошламоқчи бўлса, аввал уни пухта ўрганади. Ўзим пухта билсам, бошқаларга ўргатиш, одамлардан талаб қилиш осон кечади, дейди у. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам худди шу йўсинда йўлга қўйди. Натижада 5 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Қизию келинини шогирдликка берувчилар сони кўпайгандан кўпайди.

Бироз ўтиб ёш тадбиркор ўз имкониятларидан келиб чиқиб тайёрлаган лойиҳаси асосида «Evrope-aid» грантининг совриндори бўлди. Шу асосда макарон ишлаб чиқариш цехини ташкил этиб, уч турдаги сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Натижада яна 5 та янги иш ўрни яратилди.

— Бу биз учун катта қулайлик туғдирди, — дейди Мирза Турсунзода номидаги маҳалласи фуқароси Намоз Асадов. — Макарон маҳсулотларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани қувонарли ҳол. Бу маҳсулотлар арзон, бунинг устига жуда мазали.

Маҳалла аҳлининг гапида жон бор. Тадбиркор Нодира Бойназарова ҳақиқатан ҳам тиниб-тинчимайдиган аёл. Аҳолининг талабидан келиб чиқиб, даставвал нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳалла туман марказида жойлашгани боис, тандирдан нон узилди, дегунча харидорлар қаторлашади. 2006 йилда эса Тошкент шаҳрида ўтказилган ЎЗЭКСПО ярмаркасида деҳқонободлик тадбиркор Нодира Бойназарова ҳам иштирок этиб, Россиянинг «ВЕНИКС» фирмаси билан шартнома тузишга эришди. Ана шу келишувга кўра, «ВЕНИКС» фирмасининг қолипли нон ишлаб чиқариш технологияси келтирилди ва айни пайтда ушбу цехда бир кунда 2 минг донага яқин нон маҳсулоти тайёрланмоқда. Кичик корхонада бугун меҳнат қилаётганларнинг сони 20 нафардан ошди. Бундан ташқари, олти нафар касаначи ҳам ишлаётир.

— Маҳалламиз хотин-қизлари учун касаначиликни ҳам йўлга қўйдик, — дейди Нодирахон. — Бу уларнинг рўзғорига даромад олиб киради, ҳам меҳнат дафтарчаси юритилади.

— Нодирахондан миннатдормиз, — дейди Нигора Шерқулова. — Мен ҳам шу корхонанинг ишчисиман. Шартнома асосида ишлайман. Уйда нон ёпиб, етказиб бераман. Ун билан мени ўзлари таъминлашади. Меҳнатим эвазига иш ҳақи оламан. Қувонарлиси, менинг номимга меҳнат дафтарчаси очилган.

Фақат бугина эмас. Маҳалладаги кам таъминланганлар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож қариялар ҳам тадбиркор аёлимиздан миннатдор. Чунки Нодирахон уларнинг ҳолидан доимо хабардор. Маҳалладаги тўю маъракаларда эса у бош-қош. Шундай бўлгач, эл алқайди-да. Бирига минг берсин, дейишади маҳалла қариялари. Ўтган йили кўпчилик овоз билан Нодира Бойназарова халқ депутатлари туман кенгашига депутат этиб сайланди. Халқнинг бу ишончи унга янада куч бағишлади. У жорий йилни эзгу мақсад ва режалар билан бошлади.

— Маҳалламиз ҳудудида каттагина дарахтзор бор. Ана шу жойни маданият ва истироҳат боғига айлантириш ниятидаман, — дейди Нодирахон. — Бу жой ёшларимиз, қолаверса, маҳалла аҳли байрам ва сайлларда ҳордиқ чиқарадиган масканга айланса қандай яхши. Туман ҳокимлигининг рухсати билан ишларни бошлаб юбордик. Ёшлар маркази, музқаймоқ кафеси, турли аттракционлар куришни режалаштирганмиз.

Нодирахон билан суҳбатлашиб, унинг ғайратию шижоатига қойил қолдик.

— Зиммангизга кўп вазифани олиб юбормаяпсизми? — сўрайман ундан.

— Одам бир ишга чин дилдан, ўзига ишониб киришса, албатта, уддасидан чиқади, деб ўйлайман. Буни фаолиятим давомида кўп бор синаганман. Қолаверса, ишчиларим бор, турмуш ўртоғим ҳам қараб ўтирмайди.

Нодирахоннинг ёрдамчиси суҳбатимизни бўлади:

— Сув қувурини олиб келишибди. Қаерга олиб боришсин.

— Бир кўча нарига.

Сўнг менга изоҳ беради:

— Ўзим яшайдиган ҳудуддаги 16 та хонадон сув танқислиги боис ўз томорқаларини суғоришга қийналишарди. Ҳар қалай томорқа вақтида суғорилиб экин-текин қилинса, дарахтлар парваришланса рўзғорга нафи тегади. Шунинг учун қувур орқали сув ўтказиб бериш ниятидамиз.

Бу сўзларни эшитиб, орамизда шундай жонкуяр, фидойи аёлларимиз борлигидаи фахрланиб кетдим.

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**




**Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш масаласида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Қарши шаҳрида фойдаланишга топширилган «Орзу» савдо мажмуаси ҳам ушбу эзгу саъй-ҳаракатнинг натижасидир.**

**СУРАТДА:** *«Орзу» савдо мажмуасининг ташқи кўриниши.*

**Собиржон Нарзиев сурати.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# БАРКАМОЛ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



СОҒЛОМ ва баркамол авлод тарбиясига мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар эътирофга лойиқдир. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Жумладан, Дастурда белгиланган тадбирлар ижроси юзасидан мувофиқлаштириш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш бўйича мониторинг гуруҳи фаолият юритяпти. Шу билан бирга вилоятда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш мақсадида жамоатчилик кенгаши тузилиб, улар томонидан тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда, хусусан, мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Айниқса, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини назорат қилиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик, ёш-келин куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи атрофлича тушунтирилмоқда. Вилоятдаги «Она ва бола» скрининг маркази янги техник воситалар билан таъминланди. Ўтган йили 17492 нафар келин-куёв тиббий кўрикдан ўтказилди. Баъзиларида аниқланган хасталиклар бартараф этилгач, уларнинг никоҳи қайд этилди.

Афсуски, баъзи ота-оналар рўзғор ёхуд бошқа ташвишлар билан бўлиб, ўз фарзандларининг соғлиғи, кийиниши, овқатланиш тартиби ва юриш-туришига эътиборсиз қарашади. Шу боис, оила қуриш арафасидаги айрим ёшларда турли хил хасталиклар аниқланади. Қолаверса, баъзи бир ҳомиладор аёлларда ёшлигида тўлиқ даволанмаган сурункали хасталиклар оқибати намоён бўлиб, бу ҳол ҳомила ривожига салбий таъсир қилади.

Маълумки, она соғлом бўлсагина баркамол фарзанд дунёга келади. Бу борада, аввало, келин-куёв ота-она бўлишга руҳан тайёр ва репродуктив саломатлик борасида билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Таъкидлаш жоизки, қизлар 20-22 ёшдан, йигитлар эса 22-23 ёшдан сўнг оила қуришлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳомиладор аёл витамин ва темир моддасига бой турли кўкатлар, мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим. Бўлажак онанинг саломатлиги ва хотиржамлиги туғилажак фарзанднинг соғлом бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили, деб номлангани ёш авлод саломатлиги йўлидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга, масъулиятни оширишга даъват этади.

**Мусаллам ИБРАГИМОВА,**
**Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# СОВЧИЛАР...

## УЙ кўргани келишибди

Нигора ўқишдан хурсанд қайтди. Иккинчи қаватга чиқаркан, ошхонадан мўралаб турган онасининг ҳайрон боқишларига эътибор қилмай, хонасига ўтиб кетди...

— Ё, тавба... — деди онаси. — Нечук қизимнинг бунчалик кайфияти чоғ?..

Гулзор опа ошхонадан чиқиб, унинг хонасига кўтариларкан «Ишқилиб, яхшиликка бўлсин», дея минг бир хаёлга борди ва секин қизининг хонасига қаради. Бахтдан сархуш бўлиб, ширин хаёллар оғушига чўмган қиз онасининг эшикдан тикилиб турганини ҳам сезмади.

— Нигор?..

Қиз онасининг овозини эшитдию, сапчиб ўрнидан турди.

— Ойи... — деди аллақандай ҳаяжон билан.

Гулзор опа ичкарига кирди-да, Нигоранинг ёнига ўтирди.

— Тинчликми, қизим?

Қиз гўё сирини айтса, завқи йўқолиб қоладигандек бир лаҳза лабларини тишлаб, сукут сақлади. Сўнг онасининг меҳр билан боқиб турган кўзларига тикилиб, елкасига бошини қўйди.

— Ойи, мени яхши кўрасиз-а?

— Бу нима деганинг? — кулди Гулзор опа. — Нима демоқчилигингни тахминан билдим. Айтавер...

Қиз онасининг топқирлиги ва шундоққина кўзларидан нима демоқчилигини билиб олганидан қизарди, аммо онажониси қувончига шерик бўлишини истади:

— Ойи, эртага... — Нигора гапини давом эттиролмай, дув қизариб ўрнидан турди-да, дераза рахига бориб суянди.— Эртага совчи юбораркан...

— Совчи? — Гулзор опа қизига тикилиб қолди. Нима дейишни ҳам билмади. У қизининг севгани борлигидан хабардор, барча оналар каби фарзандининг бахтли бўлишини истар эди. Шунинг учун қизини ортиқ хижолатга қўймади.

— Совчи юборар эканми?

Нигора секингина бошини ирғади холос. Кейин айб иш қилиб қўйган боладек, елка қисганича хонасидан чиқиб кетди. Гулзор опа эса бир зум қизининг кетидан тикилиб қолди. Унинг қувончидан, бахтиёрлигидан севиниб кетдими ё агар рози бўлса, ҳадемай қизи бу хонадонни тарк этишини ўйлаб кўнгли бузилдими, беихтиёр кўзларига ёш олди. Кечқурун, эри ишдан келганида бу ҳақда унга айтди. Эри мулоҳазали, обрўли одам эди.

— Ўзингдан қолар гап йўқ, — деди у хотинига. — Ишқилиб, гап қизингнинг келажаги ҳақида кетаётганини унутмасанг бўлди.

Эрининг гапларидан керакли маънони уққан Гулзор опа туни билан минг бир хаёл оғушида бўлди. Қачон ухлаб, қачон турганини ҳам билмади. Эрталаб эрини ишга, қизи билан катта ўғлини ўқишга, кичкинасини мактабга кузатди-да, уй-жойни бир кўздан кечириб чиқди. Қўнғироқ қилиб, синглисини чақирди. Иккаласи айвонга қўйилган чорпоя устида гаплашиб ўтирдилар.

Ниҳоят дарвоза қўнғироғи чалинди. Гулзор опа чиқиб қараса, кўчада оппоқ «Нексия», эшик олдида эса тугун кўтарган икки нафар аёл турибди.

— Ассалому алайкум, — Гулзор опа ийманибгина салом берди.

— Гулзорхон сизмисиз? — деди аликдан сўнг ёши каттароқ аёл.

— Ҳа, менман. Қани, ичкарига киринглар. Марҳамат.

Оқ рўмол ёпинган ёши каттароқ хотин биринчи бўлиб йўл бошлади. Изидан тугунча кўтарган аёл, сўнг Гулзор опа ичкарига киришди. Аёллар ҳовлига икки-уч қадам қўйиши билан худди музейга кирган сайёҳдек атрофни кузата бошлашди. Айниқса, ёши катта аёл дарвозахонаданоқ ҳовлига қаради. Ҳовли саҳни, бир чеккада турган икки енгил машина, дарахт тагидаги осма беланчак, унинг ёнидаги чорпоя, ҳовлининг чап томонидаги мўъжаз ҳовуз, гуллар, йўлаклар ва дид билан қурилган икки қаватли уй...

Иккала аёл синовчан ва сергак назар билан Гулзор опа бошлаган биринчи қаватдаги меҳмонхонага киришди, бироқ остонага қадам қўйишлари билан ҳовлидагидек атрофга олазарак назар солишда давом этишди. Гулзор опа «Ҳа, совчи-да, кўради...», дея уларнинг кузатишларини сезмаётганга олди ва столдаги дока ёпилган дастурхонни очиб қўйди. Сўнгра деразадан бошини чиқариб, айвонда турган синглисига, «Чой олиб кел...», деб имо қилди.

Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг ёши катта аёл кимлиги, қаерданлигини таништирди-да, бирдан мақсадга кўча қолди.

— Биз эшигингизга қулчиликка келдик, айланай.

— Хуш келибсизлар, — Гулзор опа негадир қизариб кетди. Сўнг томоғини бўғиб келган ҳаяжонни ичига ютди-да, меҳмонларни дастурхонга чорлади.

— Уйингиз ҳам ўзингиздай сариштали, чиройликкина экан, — деди ўзини «Насиб бўлса, бўлажак куёвнинг аммасиман» деб таништирган аёл. — Рўзғор тутишингизга қойил қоляпман. — Сўнг яна бош чайқаганича нақшинкор деворлар, шифтдаги қимматбаҳо қандилга кўз югуртираркан, давом этди: — Бунча омадли аёл бўлмасангиз... Бўлажак қудамиз қаерда ишлайдилар?

— Кичкинагина бир фирмамиз бор...

— Камтарлик қилманг, қуда бува шаҳарнинг олди одамларидан, деб эшитардик, эшитганимизча бор экан... Жиянимиз ҳам пухтагина-да, қаранг, шундай одамнинг қизини севиб қопти-я? Ёшлар аҳду-паймон қилишган экан, шунга, мана, элчи бўлиб келиб ўтирибмиз-да...

— Эшигимиз доим очиқ, опажон, — Гулзор опа аёлнинг гапларидан бироз ажаблангандек бўлдию, сездирмади.

— Ҳозир шунақаси урф бўлибди, — деди совчи амма ястаниб ўтирганича. — Бўлажак келиннинг ота-онасининг кимлиги, қаерда ишлашини суриштириш билан бирга, уй-жойи, мебелларини, қизга атаб нималар олинган, яна нималар қўшиб беради, ҳаммасини совчилар кўраркан...

Совчиларнинг бирдан гапни бойликка бурганидан Гулзор опанинг этлари жимирлаб кетди.

— Майли, истасангиз, уй-жойимизни ҳам, қизимга аталган нарсаларимизни ҳам кўрсатаман... Аммо аввал чой ичинглар...

— Чойни хоҳлаган пайтда ичаверамиз. Айбга буюрмайсиз энди, бир келинимизнинг нарсаларини кўрайлик-чи...

— Хўп, сизлар нима десаларингиз, шу, — деди Гулзор опа. Сўнг аёлларнинг истаги билан барча хоналарни, залдан тортиб, йўлаккача, ошхонадан тортиб, Нигоранинг хонасигача, ҳатто ертўладаги Нигорага аталган мебелларгача кўрсатди. Совчи аёллар буларни кўриш баробарида атрофга аланг-жаланг қарашди, йўл-йўлакай «Буларнинг қанчасини келинга қўшиб берасизлар?», «Куёвга ҳам атаганларинг борми?», «Ҳеч бўлмаса, бой бува куёвини яхши ишга жойлаб, тагига битта машина бериб қўяр-а?» қабилидаги гапларни айтишди.

Совчилар меҳмонхонага қайтишгач, бир-бири билан таассуротларини ўртоқлашиб, бўлажак куёвни мақташга, шу хонадонга куёв бўлса, нақд ўғилга айланиши, қайната-қайнанасининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, қизини бахтли қилиши ҳақида тўлиб-тошиб гапиришга тушиб кетишди. Боя ҳам уларнинг гапларини эшитиб эшитмасликка олиб келаётган Гулзор опанинг бу гаплардан тоқати тоқ бўла бошлади. «Булар нима исташаяпти ўзи? — деди ўзига ўзи. — Қизим қолиб, уй-жойимиз, бойлигимиз, машинамиз ҳақида гапириб, нималар қўшиб беришимиз, куёвни ишга жойлаш, қисқаси, қизимизнинг бахтини бизнинг марҳаматимизга тақаб қўйишяпти-ку? Буларнинг мақсади бошқа-ёв... Ниятлари яхши келин топиш эмас, бойбадавлат хонадон билан қуда бўлиш ва бундан фойдаланишга ўхшайди... Қизим уларга келин эмас, бир восита бўлиб қолмаяптими?..»

Меҳмонлар овқатланиб бўлишгунча Гулзор опа шуларни ўйлаб ўтириб, ўз-ўзи билан олишди, совчиларнинг саъй-ҳаракатидан бўлажак қуда хонадонидаги муҳит, тарбия ва мақсадни кўз олдига келтирди ва қизи келажагини тасаввур қилди-ю, кўз олдини туман қоплагандек бўлди.

— Шундай қилиб, айланай, нима қарорга келдингиз? — совчи амма дастурхонга қилинган дуодан сўнг Гулзор опага юзланди. — Хўп десангиз, қуда-анда бўлиб, ёшларнинг бошини қовуштириб қўйсак... Ҳамма нарса тайёр, ёшлар бир-бирларини севишса...

— Нима дейишга ҳам ҳайронман, — бош чайқади Гулзор опа. — Мен қизимнинг бахтини ўйлайман, сизлар эса... Келинг, яхшиси рози-ризолик билан бу ишни тўхтата қолайлик...

Совчилар ҳеч нарсага тушунишолмай бир-бирларига қарашди.

— Бу нима деганингиз? — деди шу вақтгача бир оғиз ҳам гапирмай, жим ўтирган иккинчи аёл.

— Ўйлаб кўрсам, бир-биримизга тўғри келмайдиганга ўхшаймиз. Очиғи, мен рози эмасман...

— Ие?.. — деб юборишди иккала совчи бараварига.

— Афсуски шундай...

Совчилар бу гапни эшитиб, тугунларини кўтаришди-ю, «Яна бир ўйлаб кўринг!», дея иддао билан чиқиб кетишди... Гулзор опа эса ўйчан нигоҳларини дарвозага қадаб қолди.

**Холиёр САФАРОВ**

# ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ ВА МУСТАҲКАМ ИРОДА

**СОҲИБИ бўлган ёшлар айнан маҳаллада улғаяди, қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида камол топади**

< [1]



Эндиликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Шунингдек, фармонда йигитлик бурчини ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви захирасидаги ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга, уларда қатъият ва метин иродани, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича ҳам муайян меъёрлар мавжуд.

Ҳозирга келиб, том маънода шаклланган муддатли ҳарбий хизматни собиқ шўро давридаги армия билан қиёслаб бўлмайди. Буни оддий мисол замирида ҳам кўриш мумкин. Илгари ҳарбий хизмат, деганда олис, нотаниш ўлкаларда ўтиладиган мажбурий хизмат тушуниларди. Эндиликда фарзандларимиз навқирон ёшлик чоғларини қайсидир қурилиш батальонларида, ўрмон хўжаликларию қоронғи казармаларда эмас, балки энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган машқ майдонларида, ёруғ ва шинам казармаларда, ўқув-машғулот хоналарида ўтказаётир.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, ҳарбий хизмат муассасаларида йигитлик бурчини аъло даражада бажариб, қўмондонликнинг махсус тавсияномасига эга бўлган ёшлар олий ўқув юртларига ўқишга киришда энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча баллга эга бўлмоқда. Яна бир жиҳати, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ёшларга шартнома пулининг 35 фоизи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан моддий ёрдам сифатида тўланади.

Мамлакатимиз раҳбари 2010 йил 14 январдаги Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида, мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳиятига урғу бериб, жумладан, шундай деган эди: "Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди...

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу ўз навбатида мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди".

— Муҳтарам Юртбошимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар Ватан ҳимоясига шай, ҳақиқий ўғлонларни тарбиялаш имконини берди. Миллий армиямизда ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган ёшларимиздан умидимиз катта. Шу боис, улар ҳарбий хизматга сафарбар этилишидан олдин бир неча босқичда тиббий, жисмоний, интеллектуал кўриклардан ўтишади. Яъни муддатли ҳарбий хизматни ўташга бўлган талаб ортгани боис, ёшлар орасидан энг муносиблари сараланмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳарбий чақирув комиссияси аъзоси, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими раиси ўринбосари Қобилжон Ҳасанов. — Қатъий фикрига, дунёқарашга эга, ноқобил йўлларга оёқ босмайдиган, жисмонан бақувват, фаол ёшларни танлашда жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари, оқсоқоллар чақирув комиссиясига яқиндан кўмак беришяпти. Шунингдек, ёшларни хизматга жалб этишдан олдин уларнинг оилавий шароитларини ўрганиб чиқишда ҳам фуқаролар йиғинларининг алоҳида ўрни бор.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик, халқсеварлик туйғуларини, умуминсоний, миллий қадрият ва анъаналарни тарғиб этишда фуқаролар йиғинлари иштирокини таъминлаш жоиз. Эътибор берсак, йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш, кузатиш ва кутиб олиш жараёнларида, Қуролли Қучлар сафидан захирага бўшатилганларни иш билан таъминлашда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва фуқаролар йиғинлари муносиб ҳисса қўшаётир. Мисол учун, ўтган йили муддатли хизматни ўтаб қайтганлардан 12 минг 950 нафарини жойлардаги турли ишлаб чиқариш муассасалари ва бошқа ташкилотларга ишга жойлаштиришда маҳаллалар фаол иштирок этди. Бинобарин, йигитларни ҳарбий сафарбарликка кузатиш ва кутиб олиш маросимлари маҳаллаларда чинакам байрамга айланаётир. Ҳар бир ота-она вояга етган ўғлини мана шундай кўтаринки руҳ билан ҳарбий хизматга кузатишни, кутиб олишни орзу қилади. Акаларига ҳавас қилган ёш болалар қалбида ҳам келажакда, албатта, Ватан ҳимоячиси бўлиш орзуси куртак ёзади.

Ватан ҳимоячиси, аввало, маҳаллада, шу ердаги спорт майдонлари ва таълим масканларида улғаяди. Уларни эл-юртга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, биринчи навбатда, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклаши табиий. Шундай экан, улар бу борада фаол, ташаббускор бўлишса, бу масканда баркамол, иродали, қатъиятли, юртпарвар ёшлар улғаяверади.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# "БОБУРНОМА"ДА МАҲАЛЛАЛАР ТАСВИРЛАНГАН



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари бошдан охиригача тарбия китобидир. Унда ватанпарварлик ва мардлик, жасорат ва ростгўйлик, ҳаётни бор гўзаллиги билан севишга даъват этилади. Асарда, шунингдек, жой номлари, маҳаллот ва аҳоли яшаш жойларининг тасвири ҳам берилади.

"Бобурнома"да бизнинг тасаввуримиздаги бугунги "маҳалла", "гузар" атамалари мавжуд эмас. Уларнинг ўрнига Бобур "маҳаллот", "музофот", "қаря" ва бошқа сўзларни ишлатган. Шоир маҳалла ва гузарларнинг тасвирини берар экан, ҳар бир жойнинг географик ўрни, ҳайвонот ва наботот оламига алоҳида тўхталади. Масалан, Самарқанд шаҳри ҳақида ёзар экан, унинг атрофидаги қишлоқларни "атроф ва жавониб" атамаси билан атайди. "Бобурнома"даги Самарқанднинг Кўҳак маҳалласи ҳақидаги тасвирда муаллифнинг шу юртга меҳри, Самарқандни пойтахт этиш орзусини уқамиз. Мазкур тасвирда Бобур шаҳар атрофи маҳаллотининг оқар сув билан қандай таъминланганлиги, қайси канал ва ариқ қаердан бошланиб қаерда тугаши, қанча ерни суғориши, ичимлик суви сифатидаги ўрни ва шаҳар атрофидаги бошқа маҳаллаларнинг Самарқанд шаҳридан оқадиган сувга эҳтиёжини ҳисоблаб берганки, бундай аниқлик кишини ҳайратга солади: "Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлибтур... Кўҳак суйи (ҳозирги кунда бу жой Галаосиё маҳалласи деб номланиб келинади – Ҳ. Қ.) шимолидин оқар, Самарқандтин икки куруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирубтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар, Самарқандтин бир шаръий бўлғай. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттиз-қирқ йиғоч йўлға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас".

Бобур фақат Самарқанд атрофидаги маҳаллот ва гузарларнинг сув билан таъминлашини ҳақида ёзиб қолмасдан, бу ерлардан олинадиган маҳсулотлар, боғ-роғларининг шуҳрати ва лаззатли меваларининг тавсифини ҳам беради: "Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур".

Заҳириддин Бобур, асосан, шаҳардан ташқарида, қишлоқ маҳаллаларида, сув сероб гўшалар, ҳавоси тоза жойларда боғлар барпо этган, иморатлар қурдирган. Бу қишлоқларнинг "Бобурнома"даги тасвири асар бадиийатини бойитган, муаллифнинг табиат, деҳқончилик, айниқса, сув билан боғлиқ қарашларига ойдинлик киритган.

"Бобурнома"да 500 дан ортиқ жой номлари келтирилиб, уларнинг орасида бугунги "маҳалла" даражасидаги маконлар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Марғилоннинг «Рушдон» (бугун туман даражасини олган Риштон – Ҳ. Қ. ) «Исталиф», «Борон», »Дараи нур», «Чағонсарой», «Нижров» ва бошқаларнинг бой тасвири ҳам берилганки, уларнинг барчаси ҳақида фикр билдириш имкони йўқ. Юқоридаги мисолларнинг ўзи ҳам энциклопедик олим Бобурнинг юртларни, айниқса шаҳарлар, қишлоқлар, ундаги маҳаллаларни нақадар яхши билганлиги, у ердаги ижтимоий ҳолат, аҳолисининг қайси касб билан шуғулланиши ҳақидаги фикрлари улуғ шоирнинг юртга бўлган садоқатидан далолат беради.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор, Халқаро Бобур**
**мукофоти лауреати.**

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

# ШАРИФА МОМО ШУКРОНА АЙТАДИ

Тоғондурди янги "Матиз" олган кун онасини иззат-икром билан машинага миндирди-да, синглиси Ойгулнинг ҳовлиси томон ҳайдади. Теп-текис асфальт йўл бўйлаб боришар экан, момо машина ойнасидан туғилиб ўсган гўшасини завқ билан кузатиб, кўнглида фахр, ғурур туйғулари жўш ура бошлади. Йўл четидаги бири биридан кўркам, шинам иморатлар, боғлар, гулзорларни кўриб қувончига қувонч қўшилди.

— Онажон, қишлоғимиз ўтган йили "Энг намунали қишлоқ" кўрик-танловида республикада фахрли ўринни олди, — деди машинани бошқариб бораётган ўғли Тоғондурди. — Сиздек онахонларнинг дуоси ижобат бўляпти. Ҳали қишлоғимиз бундан ҳам обод бўлади.

— Илоҳим айтганинг келсин, шу кунларга етказганига шукр, — деди момо дуога қўл очиб. — Биз кўрган кунларни, қийинчиликларни, машаққатларни сизлар сира кўрманглар. Бундай тўкин, обод кунларнинг қадрига етинглар, болам.

Шарифа момо Жуманиёзова нафақат Найман қишлоғи ёки Боғот туманидаги, балки воҳадаги энг кекса, нуроний онахонлардан. Бу йил 106 ёшга қадам қўйди. Умр йўлдоши Жуманиёз ота билан умр бўйи деҳқончилик қилишган. У пайтлари ҳозиргидай шароит, техника йўқ эди. Шундай бўлса-да, эру хотин тер тўкиб, заҳмат чекиб ишлашди, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишди. Бугун меҳнатининг роҳатини кўряпти. Ўтган йили, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан онахон "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

**Абдулла САФОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**



БУГУННИНГ ГАПИ

# АҚЛУ ИДРОК ВА ТАФАККУР УСТУН КЕЛСА

## "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ҳеч кимни ўз таъсирига ололмайди

Инсоннинг ўсиб-улғайиши, ақлий ривожланиши ўта нозик ва мураккаб жараён. Бу масъулиятли палла умрнинг энг қайноқ, энг ўзгарувчан даври билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам миллат, мамлакат тақдири учун қайғурилаётган давлатларда таълим-тарбия масаласига жиддий эътибор қаратилади.

Бироқ ўзларини ўта тарбияли, маданиятли, озод, дея таърифлаётган айрим халқларда ўзига хослик ва шу асосдаги тарбия тизими унутиб юборилган. Шу боис, улар "оммавий маданият"ни тарғиб қилишга зўр бериб уринмоқдалар. "Оммавий маданият" тўрига илиниб қолиб, бор будидан ажралиб қолганлар эса бошқаларнинг ҳам шу куйга тушишини истайди. Шу сабаб улар аёл билан эркакнинг бир-бирларидан уялмасликларини, бир хилда кийинишини, бир жинсдаги кишиларнинг никоҳдан ўтишини, кийимсиз юришини, хуллас, атрофда ўзларидан бошқалар ҳам борлигини сезмасликни, хаёлига келган зўравонликни қилишни ҳақиқий инсон озодлиги, фикр эркинлиги деб биладилар. Улар тарғиботида ор-номус, шарм-ҳаё, уят-ибо, қўйингки, комил инсонга хос бирорта ҳам маънавий жиҳат тан олинмайди.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцинтризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".

Ҳа, "оммавий маданият" жаҳоннинг мусаффо ҳудудларига кўланка ташламоқда. Йиртиқ, илма тешик, ўта юпқа, тор, калта кийинишлар, ярим-яланғоч юришлар ана шу даҳшатли кўланканинг таъсиридир. Зеро, барча шармандаликлар, кўргиликлар либосларнинг чоки сўтилишидан бошланади, аслида.

Яқинда автобекатда шундай мулоқотнинг шоҳиди бўлиб қолдим. Соқоли кўксини безаб турган отахон рўпарасида оёғини чалкаштириб ўтирган ёши йигирмалар атрофидаги қизга ҳадди сиғиб: "Қизим, белингни, ҳеч бўлмаганда киндигингни ёпиб юрсанг бўларди...", дея насиҳат қилди. Бироқ сўзи оғзида қолди. Ярим-яланғоч қиз уялиш ўрнига: "Сизга нима, бобой, қишлоғингизга бориб, кампирингизга қилинг бу насиҳатларингизни", деса бўладими. Унинг жавобидан шодланиб кетган бошқа бир бели очиқ, шарм-ҳаёсиз қиз мириқиб кулди. Бобо эса мулзам бўлмади. "Сендайларни тўғри йўлга солиш, ҳеч бўлмаганда панд-насиҳат қилиш бурчимиз", деди хўрсиниб.

Бундай ҳолатга, яъни шармсизлик хаёнинг устидан кулиб турса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин? Бугун отаси тенги нуронийни писанд қилмаган беҳаёнинг боласи, вақти келиб ўз ота-онасини хўрламайдими?

—"Ширъатул Ислом" китобининг шарҳида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг, кимки ҳаётий дунёда шуҳратга, кибрга, пастликка чақирувчи кийимлар кийса унга қиёмат кунида хорлик кийими кийгизиладИ, деган мазмундаги ҳадислари келтирилади, — дейди Имом Бухорий жомеъ масжиди имом хатиби Ҳожи Маҳмуджон Ибодуллаев. — Кийинишдан зинҳор фахрланиш, кибрланиш мақсад бўлмаслиги керак. Ўта зийнатли, юпқа, ҳарир кийим турли ғийбатларнинг, фитналарнинг туғилишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар нарсада меъёр бўлгани маъқул, жумладан, кийинишда ҳам. Ахлоқ-одоб меъёрларини писанд қилмаслик ақлсиз кишининг ишидир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, "Кийинмасдан юраверса ҳам бўлаверади", деган мазмундаги тарғиботни юритаётганлар инсоният бошида айланаётган глобал хавф эканлигини чуқурроқ англаб етамиз.

Биз «оммавий маданият»нинг биргина кўриниши — либос билан боғлиқ муаммо хусусида фикр юритмоқдамиз. Кийиниш маданиятига дарз кетаётган ва бу ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этаётган экан, аввало, ота-оналар ва маҳалла-кўй, халқ таълими тизими, меҳнат жамоалари зиммасида катта масъулият турганлигини унутмаслигимиз лозим.

"Оммавий маданият"нинг йўлини тўсиб бўладими?

Албатта, бу саволга жавоб ўзликни англай билишдадир, ёш авлод онгига миллий ғурур туйғуларини сингдиришдадир, дея жавоб берилса муболаға бўлмас. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги мунозарага асло ўрин қолдирмайдиган хулосаларни юрагингиздан, қалбингиздан ўтказсангиз, жавобнинг нақадар тўғри эканлигига иқрор бўласиз:

"Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади".

Бир ривоятда айтилишича, сарой аъёнининг кўнгли чўпоннинг сулув хотинига тушибди. Уни ҳузурига келишга кўндира олмай, қозидан ёрдам сўрабди. Қозининг уринишлари ҳам самарасиз кетгач, ўжар жувоннинг гарданига айб юклаб, ўлимга маҳкум этибди. Ҳукм ижро этилиши олдидан жафокаш аёл мулозимлардан ип билан игна беришларини сўрабди. Ҳайрон қолган миршаблар: "Ҳой нодон аёл, сени ҳадемай қатл этишади, кўйлагингнинг озроқ жойи йиртиқ бўлди нимаю, бутун бўлди нима", дейишибди. Шунда маҳкума: "Ахир, мен аёлман, нариги дунёга ҳам аёллик иффати билан кетишим керак", дея жавоб берган экан.

Биз бу ривоятни бежиз келтирмадик. Зора, "оммавий маданият"нинг тузоғига тушган айрим қиз-жувонларимиз, ёшларимиз ўзларини ориятли, виждонли, бокира, иффатли, жасур ва садоқатли зотларнинг авлодлари эканликларини чуқурроқ англаб етсалар.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**